

**«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги  
хузуридаги давлат хизматлари агентлиги  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
Шайхонтохур туман давлат хизматлари  
маркази

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

«19» феврал 2024 йилдаги  
№ 1 - сонли умумий йиғилиш  
баённомаси билан (1-илова)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил №\_\_

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ  
“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”нинг  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**

Тошкент-2024

Мазкур устав қонунчилик ва ўз таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритувчи акциядорлик жамияти шаклидаги “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”нинг асосий ҳужжати бўлиб, унинг мақсади, вазифалари ва фаолият тартибини белгилайди.

## 1-МОДДА: УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Акциядорлик жамияти шаклидаги “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” (матнда «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни (23.11.2021 йилдаги ЎПҚ-730-сон) 39-моддаси талабларига биноан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ALFA INVEST» суғурта ташкилотини (аввал Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил “24” июнда 188-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган «ALFA INVEST» ёпиқ акциядорлик жамияти суғурта ташкилотини 2014 йил 28 ноябрь куни қайта ташкил этиш орқали 188-сон реестр рақами билан рўйхатга олинган «ALFA INVEST» масъулияти чекланган жамияти суғурта ташкилоти) ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан хўжалик фаолияти юритиш ва фойда олиш ҳамда умумий суғурта соҳасида суғурталовчи фаолиятини амалга ошириш мақсадида тузилди.

1.2. Жамият масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ALFA INVEST» суғурта ташкилотининг барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари бўйича ҳуқуқӣ вориси ҳисобланади.

1.3. Жамият устав фонди акциядорларнинг Жамиятга нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти ҳисобланади ва қуйидаги ҳуқуқлар билан бирга, аммо улар билан чекланмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади:

- суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, суғурта товонини амалга ошириш ва умуман қонунчиликда ўрнатилган тартибда суғурта ишини юритиш билан шуғулланиш;

- исталган хорижий валютада ифодаланган капитал қўйилмалар ва ҳисоб рақамлари билан ишлаш ҳамда ҳар қандай хорижий валютада ифодаланган исталган маблағларни Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш;

- исталган валютада ифодаланган ҳар қандай келишувни, шу жумладан ушбу тоифадаги келишувга турли хизмат кўрсатишлар, техник хизмат кўрсатишлар ва қайта суғурталаш тўғрисидаги шартномаларни ҳам қўшган ва улар билангина чекланмаган ҳолда тузиш ва ушбу келишувда назарда тутилган тўловларни исталган валютада амалга ошириш;

- қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар қандай бошқа активларни исталган усулда сотиб олиш, эгалик қилиш, сақлаш, фойдаланиш, тасарруф этиш, улардан халос бўлиш ёки гаровга қўйиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва бошқа жойларда бўлимлар, ваколатхоналар, филиаллар, шўъба корхоналари ва бошқа бўлимларни очиш, бошқа ташкилотларнинг акцияларига эгалик қилиш ва исталган бошқа жисмоний ёки юридик шахслар билан ҳамкорликда ҳар қандай акциядорлик жамияти, ширкат, хўжалик жамияти, қўшма корхона, бошқа ҳар қандай уюшма ёки ташкилотнинг фаолиятида иштирок этиш;

- исталган кўринишдаги ва мазмундаги ҳар қандай шартномавий муносабатларга қўшилиш, мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлиш, заём ва кредитлар олиш, ўз мажбуриятларини исталган тоифадаги қимматбаҳо қоғозлар, имтиёзлар ёки даромадлар билан кафолатлаш ҳамда исталган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мажбуриятлари учун кафиллик ва кафолатлар бериш;

- ўз маблағларини сармоя сифатида депозитга қўйиш ва қайта молиялаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталган валютада ифодаланган молиявий активларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорга қўшимча тарзда нафақалар тўлаш ёки ўзининг расмий шахслари, директорлари ва ходимлари учун ҳар қандай нафақа дастурлари, даромадларни тақсимлашда қатнашиш режалари ёки бошқа дастурларни ишлаб чиқиш.

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритади.

## 2-МОДДА: ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Жамият акциядорлари матнда «**Акциядор**» деб юритилади.

2.2. Акциядорнинг ҳуқуқлари:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда, эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

2.3. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

2.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

2.5. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви қиритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

2.7. Акциядорнинг мажбуриятлари:

- қонунчилик ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган шартларга амал қилиш;
- жамият умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажариш;
- жамият фаолияти билан боғлиқ махфий ахборотлар ва суғурта сирини тарқатмаслик;
- почта манзили, мақоми ва жамият фаолиятига тегишли бошқа ўзгаришлар рўй берганда жамиятни ёзма равишда огоҳ этиш.

## 3-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ НОМИ

3.1. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин.

<b>Ўзбек тилида тўлиқ фирма номи:</b>	“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati
<b>Ўзбек тилида қисқартирилган фирма номи:</b>	“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” AJ
<b>Рус тилида тўлиқ фирма номи:</b>	Акционерное общество “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”
<b>Рус тилида қисқартирилган фирма номи:</b>	АО “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”
<b>Инглиз тилида тўлиқ фирма номи:</b>	Joint-Stock “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”
<b>Инглиз тилида қисқартирилган фирма номи:</b>	“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” JS

## 4-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

4.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

4.2. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

4.3. Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва жамият тасдиқлаган низом асосида иш кўради. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради. Жамият Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг филиалларига (худудий суғурта департаментлари) ҳамда туман ва шаҳарларда бошқа бўлинмаларга (суғурта марказлари, суғурта дирекциялари ва суғурта бўлинмалари) эга бўлиши мумкин. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонунчилиқка мувофиқ амалга оширилади.

4.4. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

4.5. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

4.6. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

4.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

4.8. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

4.9. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

4.10. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

4.11. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига жамият уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

4.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

4.13. Жамиятнинг расмий тили ўзбек, рус ва инглиз тилларидир.

4.14. Жамият жойлашган жой (почта манзили): 100128, Ўзбекистон Республикаси, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 10-уй.

4.15. Жамиятнинг электрон почта манзили: [alfainvest@alfainvest.uz](mailto:alfainvest@alfainvest.uz).

4.16. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [alfainvest.uz](http://alfainvest.uz).

4.17. Жамият ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

## **5-МОДДА: ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ (ПРЕДМЕТИ) ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5.1. Жамиятнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳар қандай қонуний суғурта ва қайта суғурта фаолиятдан, унга боғлиқ бўлган хизматлардан ҳамда инвестиция фаолиятдан даромад олиш бўлиб, бунинг учун жамият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияларга мувофиқ иш юритади.

5.2. Жамият қуйидагиларни қўшган ва улар билан чекланмаган ҳолда қонунда рухсат этилган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади:

а) умумий суғурта соҳасида мумкин бўлган ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган барча суғурта турларини (шаклларини) тақдим этиш, шу жумладан бахтсиз ходисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш, касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш, ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш, ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш, авиация суғуртаси, денгиз суғуртаси, йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш, мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш, мол-мулкни зарардан суғурта қилиш, автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш, денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш, умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, кредитларни суғурта қилиш, кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш, бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар бозорининг эҳтиёжларига мувофиқ суғурталашнинг барча турларини ривожлантириш, янги турларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

в) қонун билан рухсат бериладиган ҳолларда жамиятнинг суғурта захиралари ва бошқа маблағларини қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, депозит сертификатлари, облигациялар, банк ва бошқа кредит ташкилотлари депозитларига, шунингдек тижорий жиҳатдан ишончли ва оқилона бўлса, янги юридик шахслар, қўшма корхоналар, қўчмас мулк ва бошқа тижорий тузилмаларга инвестиция қилиш;

г) қайта суғурта шартномаларини тузиш, ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

д) инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

е) суғурта (қайта суғурта) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш.

5.3. Қайд этилган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Давлат органлари рухсатномасини (лицензияси) талаб этувчи фаолият турлари жамият томонидан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

5.4. Жамият суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **6-МОДДА: ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

6.1. Жамият устав фонди 53.312.638.000 (эллик уч миллиард уч юз ўн икки миллион олти юз ўттиз саккиз минг) сўмни ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги керак.

Акциядорлар олган акцияларнинг (жойлаштирилган акцияларнинг) сони (дона)	Номинал қиймати (сўмда)	Турлари (сони)	
		оддий	имтиёзли
5 331 263 800	10	5 331 263 800	0

6.3. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида чиқариш мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори 20.000.000.000 (йигирма миллиард) сўмни ташкил этади, жумладан:

Оддий эгаси ёзилган акциялар – 2.000.000.000 дона, умумий номинал қиймати 20.000.000.000 (йигирма миллиард) сўм;

Имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – 0 дона, умумий номинал қиймати 0 сўм.

6.4. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.5. Кўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

6.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади.

6.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

6.10. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.11. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

6.12. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини коплашини талаб қилишга ҳақли.

## **7-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

7.1. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзлига бўлинади.

7.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

7.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

7.4. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлагга йўл қўйилмайди.

7.5. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб эътироф этилади.

7.6. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

7.7. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

7.8. Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 1 (бир) йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари ушбу кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

7.9. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очиқ ёки ёпиқ обуна) акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.12. Жамият қонунчиликка ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

7.13. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7.14. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

## **8-МОДДА: ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

- 8.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.
- 8.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 8.3. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.
- 8.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 8.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, 9 (тўққиз) оyi натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва 9 (тўққиз) оyi натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин 3 (уч) ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 8.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 8.7. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.
- 8.8. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.
- 8.9. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.
- 8.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 8.11. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.
- 8.12. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.
- 8.13. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.
- 8.14. Жамият қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:
- жамият устав фондининг ҳаммаси тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
  - агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
  - агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.
- 8.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.
- 8.16. Жамиятда ўз устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.
- 8.17. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш



учун мўлжалланади. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

## **9-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Жамият бошқаруви.

## **10-МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидагилар ҳақидаги масалалар ҳал этилади:

- жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш;
- жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш;
- жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш;
- бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш.

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондиди камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу уставда белгиланган масалалар мустасно.

10.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

- жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

10.11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари, бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.15. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

10.19. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чакирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

10.21. Аниқ масала қўйилишини ақс эттирмайдиган таърифларнинг, шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг, акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

10.22. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.23. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.24. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) қонунда назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

10.25. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

10.26. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Санок комиссиясининг таркиби камида 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқарувчи аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг идоравий архивига топширади.

10.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортга оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хохишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

10.28. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.29. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

10.30. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

10.31. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

10.32. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг ижроия органига топширилади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

10.33. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## 11-МОДДА: ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

11.3. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин. Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

11.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- қонунда назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қонунга мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- жамият ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ички ҳужжатларини (низом, йўриқнома ва х.к.ларни) тасдиқлаш;

- кузатув кенгаши ваколатларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

11.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.6. Жамият кузатув кенгаши 4 (тўрт) кишидан иборат таркибда сайланади, шундан 1 (бир) нафар аъзо мустақил аъзо ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Жамият Бошқарув раиси, унинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

11.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий

сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоси ва ижроия органи талабига кўра чақирилади.

11.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

11.12. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Қонунда кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

11.13. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

11.14. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

11.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.17. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

## **12-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият бошқаруви таркиби 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлади.

Бошқарув раиси ва унинг аъзолари жамият кузатув кенгаши қарори билан 3 (уч) йил муддатга тайинланади.

12.3. Жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият бошқарувининг раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

12.4. Жамиятнинг бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори ва шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

12.5. Жамиятнинг Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

12.6. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса ҳам, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

12.7. Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши мумкин.

12.6. Жамият ижроия органи – жамият бошқаруви ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.7. Жамият бошқарувининг ваколатлари, жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш, унда қарорлар қабул қилиш тартиби ҳамда жамият бошқаруви аъзоларининг ваколатлари жамият ижроия органи тўғрисидаги низомда белгиланади.

12.8. Жамиятнинг Бошқарув раиси:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди;

- жамият номидан битимлар тузади;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- штатларни тасдиқлайди;

- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

- жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида жамият томонидан хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- суғурта операцияларини ўтказиш, ҳисоб, ҳисобот, ички назорат ҳамда жамият фаолиятига алоқадор бошқа асосий масалаларни ҳал этади;

- ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этади;

- таркибий тузилмалар раҳбарлари, уларнинг масъулият даражасини белгилайди;

- амалдаги қонунчилик ва ушбу устав билан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа жамиятнинг кундалик фаолиятига доир бошқа ваколатларни амалга оширади.

12.9. Жамият Бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутати ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **13-МОДДА: ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ**

13.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

13.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.



13.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкый манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

13.5. Жамият:

- жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- жамият акциядорлари умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши баённомаларини, шунингдек жамият ижроия органининг қарорлари (бўйруқлари)ни;

- жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

- жамият акциядорларининг реестрларини;

- аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

13.6. Жамият 13.5.-бандда назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, шунингдек жамият ижроия органининг қарорлари (бўйруқлари)и ва жамият акциядорларининг реестри мустасно. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак. Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли. Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

13.7. Жамиятнинг аффилиланган шахси қонунга мувофиқ аффилиланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида жамиятга мулкый зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади. Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамият аффилиланган шахслар рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили эълон қилиши шарт.

13.8. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга оширади.

## **14-МОДДА: ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

14.1. Жамият ички аудит хизматини ташкил қилиши мумкин. Бунда ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг

ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.2. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

## 15-МОДДА: ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади. Қонунчиликда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

15.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

15.5. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

15.6. Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чикқан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

15.7. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки қонунчиликка мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

15.8. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

15.9. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Умумий йиғилиш раиси

Умумий йиғилиш котиби



Абдурахимова Ш.Р.

Ахметова И.Ю.